

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
NAVOIY DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**ZAMONAVIY OLIY TA'LIM TIZIMI:
MUAMMO VA YECHIMLAR**

**Xalqaro ilmiy konferensiya
2022-yil 22-noyabr**

Oliy ta’lim darajasida amalga oshirilayotgan tadqiqotlarning natijaviy samaradorligini yanada oshirish, professor-o‘qituvchilar va mutaxassis-olimlar tomonidan olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot faoliyati asosida yaratilayotgan ilmiy-texnologik ishlanmalarning tegishli sohalarga operativ tatbig‘ini ta’minlash ilmiy-innovatsion hamkorliknining asosiy tamoyilidir. Mazkur to‘plam O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 7-martdagи 101-F-sonli Farmoyishi asosida tasdiqlangan “Zamonaviy oliy ta’lim tizimi: muammo va yechimlar” mavzusidagi xalqaro ilmiy konferensiya materiallaridan iborat.

To‘plamda Oliy ta’lim sifatini takomillashtirishda raqamli texnologiya va innovatsiyalarning ustuvor yo‘nalishlari bilan bog‘liq taklif va tavsiyalar ishlab chiqishning dolzarb masalalarini ilmiy-nazariy jihatdan qiyosiy o‘rganishga e’tibor qaratilgan.

Xalqaro ilmiy konferensiya maqolalar to‘plamini tayyorlash uchun mas’ullar:

Mas’ul muharrir: B.B.Sobirov, texnika fanlari doktori, professor.

NavDPI rektori

Ilmiy muharrir: N.O.Safarova, falsafa fanlari doktori, professor.

NavDPI Ijtimoiy fanlar kafedrasi mudiri

Taqrizchilar: E.E.Karimov, tarix fanlari doktori, professor. Nyu York Xofstra universiteti professori (AQSh) YUNESKOning Butunjahon yodgorliklari hujjatli merosini himoya qilish qo‘mitasi a’zosi.

Sh.O.Madayeva, falsafa fanlari doktori, professor
O‘zbekiston Milliy universiteti falsafa va mantiq kafedrasi mudiri,

Texnik muharrirlar: U.Q.Tilavova PhD, M.X.Norqobilov PhD.

Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

мисоллар ва типик риторик усуллар ўзининг ижобий ролини ўйнаши мумкин. Бемор билан алоқа ўрнатилмаган ёки бузилган психотерапияда унинг психикасига таъсир қиласидиган ва уни шифокор билан эркин муомала қилиш ҳолатига келтирадиган дори-дармонлар ёрдамида ва бошқа таъсир кўрсатиш услублари қўлланилади. Шунга ўхшаб, диалогда ҳам оппонентларнинг рационал “ишонтирилиши” мумкин бўладиган вазиятни ҳосил қилиш учун уни “кўндириладиган” риторик усулларнинг ишлатилишга йўл қўйилади.

Шундай қилиб, очиқ ва рационал мунозарани ўтказиш учун кўндириладиган ва бошқа манипулятив усулларнинг қўлланилиши билан бундай воситалардан оппонентга тазиқ кўрсатиш ва унинг устидан назорат ўрнатиш учун фойдаланиш ўртасида фарқ қўйилиши лозим. Қадимги Афинада Суқрот эркин ва очиқ мулоқот учун шарт-шароитлар яратишга уриниб, риторикани қўллаганида кучли қаршиликка дуч келган. Мунозара пайтида Суқрот зиддиятлар ва ноаниқликларни кўрсатиш билан унинг ҳамсұхбатлари эга бўлган реаллик манзарасини “барбод этган”. У ўз шерикларининг ижтимоий ва ахлоқий тасаввурлари асосиз ва етарли эмаслигини кўрсатган. Шундай қилиб, бир сўзлари билан у тингловчиларга назарий тадқиқотнинг самаралигини очиб берган. Бошқалар эса бундай самаралиликни инкор қилишган. Бир томондан, улар учун нохуш нарсалар маълум бўлган. Бошқа томондан эса, афиналик ҳукмдорлар ҳукмрон фикрларнинг барбод қилиниши давлат учун хатарли деб фараз қилишган. Агар ҳатто одамлардаги фикр-мулоҳазалар ҳеч қандай реал асосга эга бўлмаса-да, улар, барибир, жамиятнинг амал қилиши учун зарурдир.

Шундай қилиб, айрим кишилар томонидан Суқротнинг эзмалиги ёки ортиқча риторик ифодалаш шакллари тарзида талқин қилинадиган нарса уларнинг кўпинча вазиятнинг уни очиқласига ва оқилона мунозарада мухокама этиш учун ниҳоятда ноаниқ бўлиб қолганлигини англашлари сифатида изоҳланиши мумкин. Натижада Суқрот сұхбат шаклини ва риторик воситаларни қўллаш билан сұхбатдошлар ўртасида эркин диалектик фикрлаш жараёнининг ривожланиши учун асос бўладиган умумий ўзаро бир-бирини тушуниш базасини яратишга ҳаракат қилган.

АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЙИЧА МАХСУС СЕМИНАРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Ахмедова Ш.Н.- филология фанлари доктори, профессор, БухДУ

Abstract. This article discusses the problems of organizing special seminars in philological education on the basis of digital technologies, and gives recommendations for organizing special seminars in literary studies.

Мустақил юртимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармонига асосан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ишлаб чиқилди. Унинг “Электрон ҳукуматни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”да “жамият ҳаётининг барча жабхаларига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш..., таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган холда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш”³ белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда таълимнинг барча босқичларида рақамли технологиялардан фойдаланишини йўлга қўйиш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Замонавий олий таълим босқичида адабиётшуносликка оид фанларнинг мазмун-моҳияти, уларни ўқитишида ўзига хосликларни, жумладан, адабиётшунослик фанлари бўйича машғулотларнинг асосий шакллари ва уларни олиб бориш методикаси, талабаларнинг мустақил ишлари ва илмий фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамда ўзининг касбий даражасини ошириб бориш бўйича бажарадиган ишларнинг кўлами кенгайиб бормоқда. Бу йўналишда рақамли технологиялардан фойдаланиш тезда аниқ самарага эришиш йўлларини очиб беради.

³ <https://lex.uz/>

Янги давр билимли шахсагина эмас, балки билим олиш йўларини пухта ўзлаштирган, мустақил идрок қилиш кўникмасига эга бўлган онгли фуқарога эҳтиёж сизди. Янги давр талаблари асосида таълимда ижодий тафакурни ривожлантиришга хизмат қилувчи усулларга устуворлик берилишига қарамасдан, тил қурилиши ҳақида кўп ҳолларда амалий татбиқдан йироқ, кам самарали лингвистик билимлар беришдан иборат эски ва чайир анъана ҳануз сақланиб қолмоқда,- деб ёзади тилшунос олим Б.Менглиев. Бу мулоҳазани адабиётшунослик соҳасига ҳам тадбиқ этиш мумкин. Чунки адабий таълимни такомиллаштириб, ҳозирги замон талабларига йўғунлаштириб бориш энг муҳим вазифалар қаторига киради. Бунинг учун фақат бадий адабиётнинг ўз ички хусусиятларни билиш, ўрганиш камлик қиласи, адабиётнинг ёш авлодга, ёшларга кўрсатадиган маърифий, маънавий-ахлоқий, эстетик, эмоционал таъсирини янада кучайтириш, таълимнинг турли босқичларидаги адабий таълим узвийлиги, узлуксизлигига алоҳида эътибор бериш, улардаги мустақил ва ижодий фикрлашга оид кўникма ва малакаларни ривожлантириш, сўз санъати воситасида гўзалликни ҳис этишга оид дид ва туйғуларни камол топтириш, адабиётга, адабий асарга, ҳар қандай бадий матнга нисбатан ижодий ёндашув тамойилларини шакллантириш ҳам замонавий адабий таълим талабларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси мамлакатимизда олий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, вазифалари, ўрта ва узоқ муддатли истиқболдаги босқичларини белгилайди ҳамда соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши учун асос бўлади. Унинг 2-боби Олий таълим тизимининг жорий холати ва мавжуд муаммоларга бағищланган. Юкори малакали кадрлар тайёрлаш борасида олий таълим тизими олдида бугунги кунда ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммо ва камчиликлар сақланиб қолмоқда, шу жумладан, таълим сифатини таъминлаш соҳасида бир қанча камчиликлар кўрсатиб берилди, айниқса, “талабаларда танқидий фикрлаш, ахборотни мустақил излаш ва таҳлил қилиш кўникмалари шакллантирилмаган”и олий таълимнинг барча бўғинларида адабий таълимнинг баъзи шаклларидан фойдаланиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Талабаларнинг танқидий фикрлаши кўпроқ бадий матн билан ишлаш, уни ўқиш, уқиш ва укишда шаклланади. Мана шу жараёнда маҳсус семинарлардан фойдаланиш самарали натижаларга олиб келиши мумкин.

Адабиётшунослик муаммолари бўйича семинар машғулотларида талабалар адабиётшунослик фанидан

маъруза дарсларида олган назарий билимларини мустаҳкамлаш билан бирга, семинарлар мавзулари бўйича тайёргарлик куриш жараёнида қўшимча адабиётлар ва адабий манбалар билан танишиш орқали қўшимча билим оладилар. Натижада уларнинг билим доиралари илмий жиҳатдан асосланган ҳолда кенгаяди.

Адабиётшунослик муаммолари бўйича маҳсус семинарларнинг ўзига хос вазифалари мавжуд. Улар умумий ва маҳсус курслар билан алоқадорликда амалга оширилади. Маҳсус семинарларда талабалар бажарадиган ишлар, уларни ўтказишида ўқитувчининг роли ва вазифалари. Маҳсус семинарлар маъруза мавзуларига алоқадор бўлмайди ва бирор фаннинг дастури мазмунига кирмайди. Одатда фаннинг хусусий масалаларини чукур ўрганиш мақсадини кўзлайди. Филологик таълимда кўпинча ўзбек шоирлари, ўзбек ёзувчилари ижоди бўйича семинарлар ўтказиш улар ижодини чукур ва ҳар томонлама ўрганишга имкон яратади.

Замонавий семинарлар муайян предметни чукур ўрганишга йўналтирилган бўлиб, семинар машғулотлари давомида талабалар илмий иш юритиш тажрибаси, ўз хуласаларини оғзаки ва ёзма равишда ифодалай олиш ҳамда нуқтаи назарларини асосли ҳимоялаш малакасига эга бўладилар. Бу хил машғулотларнинг 3 тури мавжуд:

- 1) муайян курсни чукурлаштириб ўргатишига йўналтирилган семинар ;
- 2) курс доирасида асосий ва муҳим ҳисобланган мавзуларни ўрганишга қаратилган семинар;
- 3) илмий изланишга йўналтирилган, маъруза мавзусига алоқадор бўлмаган семинар. Семинар мавзусини қизиқишиларига кўра, талабаларнинг ўзлари ҳам танлашлари мумкин.

Филологик таълимда “Замонавий адабий жараён ва янги ўзбек адабиёти” фани асосий ихтисослик фанларидан бири сифатида ўтилади. Аммо унга тақсимланган соатлар ҳажми кам, масалан, XX асрнинг қомусий олими А.Фитрат ижодига 2 соат ажратилади. Ҳолбуки, Фитрат

ижодий меросининг кўлами кенг. Шуни инобатга олиб, шоир ва адиб, адабиётшунос, буюк ижодкор асарларини мазкур **курс доирасида асосий ва муҳим ҳисобланган мавзуларни ўрганишга қаратилган семинар** шаклида чукурлашириб ўрганиш имконияти мавжуд.

Абдурауф Фитрат ўзбек адабиёти тарихида шоир, драматург, ёзувчи, публицист, давлат арбоби, тилшунос, адабиётшунос, танқидчи сифатида қомусий билимлари билан шухрат қозонди. Озод Шарафиддиновнинг "Фитрат ўзбек адабиётшунослигининг отаси" "деган фикри айни ҳақиқатдир. Фитрат туркий тил, хусусан, ўзбек тили ва адабиётининг шаклланиш босқичлари, ҳодисалари талқини масаласида ўз даврининг энг сўнгги ва илгор қарашларига таянди. Ўзи ҳам уларни энг илгор фикр ва холосалар билан бойитди. Унинг улкан туркшунослар Мұхаммад Фуод Кўприлизода, Нажиб Осимбек, Европа шарқшунослари Ҳ. Вамбери, Томсен, Радлов, Самойлович каби олимлар қарашлари билан илмий мубоҳасалар олиб боргани маълум⁴.

Ўзбек ҳалқининг қомусий билим даҳолари анъаналарини XX асрда давом эттирган Абдурауф Фитрат ижодига қизиқиши хорижда ҳам кучлидир. Бошқирд Заки Валидий Тўғон, турк олимлари Фуод Купрули ва Мехмет Сарой, япон олими Хисао Куматсу, американлик Эдвард Олворт, фаранг Эллен Каррер д Энкоус, олмон Ингеборг Балдауф, рус А.Климович ва жаҳоннинг бошқа олимлари бу ноёб ижод соҳибига катта қизиқиши билан қарадилар.

Адабиётшуносликка доир Фитрат илмий меросининг асосий қисми 1923-35-йилларда яратилган. Бу қисқа даврда у 50 дан ортиқ илмий-тадқиқот ва мақола ёзди. Улар замонавий адабиётшуносликнинг ранг-баранг йўналишларини қамраб олган бўлиб, асосан, Шарқ ва туркий адабиёт намояндалари ижоди, тарихи, назарияси ва адабий танқидига оид тадқиқотлар эди. Фитратнинг адабий назариясига муносабати 20-йиллар рус адабиётшунослигидаги формал мактаб вакиллари Эйхенбаум, В.Шкловский, В.Жирмунский кабилар изидан боришида кўринади. Уларнинг фикрича, сиёсатга аралашиб, бадиий асарларнинг гоявий-мафкуравий ва ижтимоий фазилатларини ўрганиш адабиётшуносликнинг вазифасига кирмайди, у, асосан, бадиий асарнинг шаклини, шаклдаги гўзалликни таҳлил этиши лозим. Мазкур қарашларни чуқур ўзлаштирган Фитрат тадқиқотларида шу концепцияга амал қилди. Чунончи, "Адабиёт қоидалари"даги санъатга доир фикрларида бу ҳолни кузатиш мумкин. Унинг "юрак, фикр, туйғу тўлқинларини сўз, товуш, шакл, ҳарф, ҳаракат каби материаллар ёрдамида жонлантира чиқариб, бошқаларда ҳам шу тўлқинни яратмоқ ҳунарига гўзал санъат дейилади", деган таърифида бадиий асар қимматини шаклдаги маҳорат билан белгиловчи рус формал мактабининг таъсири сезилиб туради. Фитрат "санъат нима", деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилди. "Адабиёт қоидалари" кўлланмаси "санъат" сўзига умумий ёки кенг таъриф беришдан бошланади."Санъат - луғатда ҳунар демакдирким, бир нарсани яхши ишлаб чиқаришдан иборатдир. Бир киши бир ишни ўзига касб қилиб олиб, шунга берилиб, яхши ишлаб чиқарадирган бўлса, шу иш унинг санъати бўлади"⁵.

Фитратнинг бадиий адабиётга берган таърифи ҳам санъат таърифига яқин."Адабиёт фикр-туйғуларимиздаги тўлқинларни яратади", -дея таъкидлайди у. Фитрат адабий жараённи сергаклик билан кузатиб, шу ҳақда мулоҳаза билдириб мақолалар ёзган. Унинг "Литература Средней Азии" газетасида босилган "Муҳит муҳимлиги" мақоласи шу руҳда эди.Фитрат ўзбек адабиётшунослигига яссавийшунослик, машрабшунослик, хайёмшунослик соҳаларини бошлаб берган зукко мумтоз адабиёт тадқиқотчиси сифатида жуда кўп илмий янгиликларни фанга олиб кирди.

Кўрамизки, Фитрат ўз даврининг қомусий олими, зукко адабиётшуноси, фидойи фарзанди эди, ёзган асарлари унинг номини асрлардан асрларга олиб ўтаверади. Фитрат яратган асарлар ютуқлари ва нуқсонлари билан бизнинг тарихимиз ва фахримиздир. Шунинг учун Фитрат ижодини холис ва ҳаққоний ўрганиш давом этаверади ва бу жараёнда маҳсус курс ва маҳсус семинарларни замон талабига мос ҳолда ташкил этиш зарурати кўзга яққол ташланмоқда.

Семинар машғулоти ўтказишнинг асосий шартларидан бири барча иштирокчилар учун мавзу ёки мутахассисликка боғлиқ адабиётлар, манбалар, архив материаллари ва кўлёзмалардан фойдаланишда бирдек имконият яратилишидир. Бугунги кунда Фитрат асарларининг 5-жилдлиги нашр этилган, фитратшунослик бўйича қатор тадқиқотлар, китоблар яратилди.Демак, талабада адабиётлар, манбалар билан ишлашда асосий шарт учун муаммо

⁴ Қосимов Б. Маслакдошлар. Тошкент., 1974. - Б.135.

⁵ Фитрат. Адабиёт қоидалари. Т.: Ўқитувчи, 1994. - Б.34.

бўлмайди. Филологик таълим соҳасида маҳсус курслар ва семинарларга асосланган рақамли кўникмаларни ошириш мақсадида қўйидаги тавсиялар ўртага ташламоқчимиз:

1. Буюк маърифатпарвар Абдурауф Фитрат ижоди бўйича электрон платформа яратиш, бу соҳада масофавий, онлайн ва виртуал ўқитиш технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, онлайн курслар учун платформалар ишлаб чиқиши.

2. Фитрат асарларининг электрон вариантиларини яратиш.

3. Буюк адаб асарларининг таржималарини амалга ошириш.

4. Халқаро миқёсда Фитрат ижодини тарғиб қилиш (Туркия, Америка ва бошқа давлатларда).

5. Буюк мутафаккирлар ижодига бағишлиган масофавий таълим платформасини келажакда таълимнинг барча йўналишларида татбиқ этиш (2018 йилда Президентимиз ташаббуси билан бошлиган маърифатпарвар Ибрат ижодини таълимнинг барча бўғинларида ўргатиш тажрибаси бунга мисол бўлади).

Маҳсус семинарлар талабаларда таҳлилий ва танқидий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам беради, келажакда зарур бўладиган кенг кўламли рақамли трансформация шароитида талабаларга миллий қадриятларимизга асосланган билим ва кўникмалар беришга имкон беради.

Олий таълимнинг филологик йўналишларида семинар машғулотлари рақамли технологиялар асосида ташкил этилса, концепцияда таъкидланганидек, талабаларда мустақил таълим олиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, тизимли таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш осон кечади, ўкув жараёнида, айниқса, маҳсус семинарларда компетенцияларни кучайтиришга қаратилган методика ва технологияларни жорий этиш асносида ўкув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологияларни кенг жорий этиш имконияти кенгаяди.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясининг 3-бобида Олий таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ва устувор йўналишлари белгилаб берилган. Олий таълим билан қарорни кенгайтириш, олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш, олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фанднинг инновацион инфратузилмасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Концепциянинг иккинчи бобида Олий таълим тизимининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар қўрсатиб берилган. Айниқса, “олий таълимда маънавий-ахлоқий мазмунни кучайтириш, ёшларни миллий қадриятларга хурмат, инсонпарварлик ва юксак маънавий гоялар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда ёт ғоя ва мағкураларга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада ривожлантириш зарурати мавжудлигига алоҳида эътибор қаратилган. Демак, буюк аждодларимиз меросини тадқиқ этиш, ўрганиш, келажак авлодга бус-бутун ҳолда етказиш уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Мустақиллигимиз учун бутун фаолиятини курашга бағишлиган мутафаккирларимиз қаторида XX асрдаги ягона қомусий олим Абдурауф Фитрат ижодини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, маҳсус курслар, маҳсус семинарларда адабнинг илмий меросини ўрганиб, унинг электрон платформасини яратиш, халқаро миқёсда тарғиб қилиш бўлажак ўқитувчиларни юксак маънавий гоялар асосида тарбиялаш, шу орқали рақобатбардош кадрлар етказишдек олижаноб мақсадларни амалга ошириш мумкин. “Сенинг учун туғилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун ўларман, Ватан” деб жонини Истиқлол йўлига тиккан А.Фитрат каби барча маърифатпарварлар ҳаёти ва ижодини кенг миқёсда ўрганиш Мустақилликни асрраб-авайлаш, Учинчи Ренессанс йўлига қадам қўяётган озод юртимиз келажаги ҳам учун ҳам зарурдир.

MUNDARIJA

ZAMONAVIY OLIY TA'LIM SIFATINI TAKOMILLASHTIRISHDA ILMIY-INNOVATSION YONDASHUVLAR

Sobirov B.B., t.f.d., professor

Navoiy Davlat pedagogika instituti rektori, O'zbekiston.....3

ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ РИВОЖИНИНГ АКТУАЛ ВА ПОТЕНЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сафарова Нигора Олимовна – фалсафа фанлари доктори, профессор,

НавДПИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири.....5

АНТИК ДАВР ФАЛСАФАСИДА НОТИҚЛИКНИНГ ЎЗИГА ХОС ТАРЗДА РИВОЖ ТОПИШИ

Г.М.Рузматова –

ЎзМУ профессори, фалсафа фанлари доктори.....6

АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЙИЧА МАХСУС СЕМИНАРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ

Ахмедова Ш.Н.- филология фанлари доктори, профессор, БухДУ.....9

OLIY PEDAGOGIK TA'LIMDA BO'LAJAK TASVIRIY SAN'AT O'QITUVCHILARINI KASBIY FAOLIYATGA TAYYORLASHNING DOLZARB MASALALARI

Baymetov B.B.- professor, Toshkent viloyati Chirchiq davlat pedagogika universiteti.....13

МАҲАЛЛАЛАРДА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ ТИЗИМИ АСОСИДА ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мирзажонова Д.- п.ф.н., доц., Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи.....15

АБУ НАСР ФОРОБИЙ АСАРЛАРИДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР

Воҳидова М.Т.- доц., “Ижтимоий фанлар” кафедраси, БухМТИ.....17

РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мурадов С.А.- (PhD) доцент, БМТИ.....20

ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИННИНГ ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР ТАҚДИРИДАГИ АҲАМИЯТИГА ДОИР

Ҳайдаров К.Д.-ф.ф.д.(DSc), доцент, Самарқанд вилояти педагогларни янги методикаларга

ўргатиш миллий маркази.....22

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ВА БУХОРО

Нурматова Н.- доцент, БухМТИ

Сафоев Н.-талаба, БухМТИ.....24

МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗДА “ХУШ ДАР ДАМ” РАШҲАСИ

Нурматова Н.-доцент, БухМТИ

Сафоев Ж.-талаба, БухМТИ.....27

ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ ВА ХОЖАГОН- НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ

“НАЗАР БАР ҚАДАМ” РАШҲАСИ

Нурматова Н.У.-доцент, БухМТИ.....30

THE ROLE OF INNOVATIVE AND DIGITAL TECHNOLOGIES IN IMPROVING THE QUALITY OF SCIENCE AND ACADEMIC EDUCATION

Tukhtaeva K.D.-associate professor of Navoi State Pedagogical Institute,

Candidate in Philological Sciences, Navoi, Uzbekistan.....32